

ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАР ТАДҚИҚИГА АНТРОПОЦЕНТРИК ПАРАДИГМА АСОСИДА ЁНДАШУВ

Абдурахмонова Умида Эркиновна

*Ж.Ташенев университети магистранти
Қозғоғистон Республикаси, Чимкент шаҳри*

XX аср жаҳон тилшунослиги тарихида матн лингвистикаси шаклланган ва мустақил йўналишлардан бирига айланган давр ҳисобланади. Лисоний ҳодисаларни йирик масштабларда тадқиқ этувчи мазкур соҳа XXI асрда янада жадал суръатлар билан ривожланиб, фан олдиға янги муаммоларни кўндаланг қўймоқда. Ана шундай муаммолардан бири тил тизимини антропоцентрик парадигма асосида тадқиқ этишдир.

Тилшуносликда антропоцентрик парадигманинг шаклланиши тил эгаси –

сўзловчи шахс омилини тадқиқ этиш билан боғлиқдир. ”Тилшуносликда антропоцентрик бурилишнинг юзаға келиши структурализмнинг тилни тадқиқ этишнинг ”ўзида ва ўзи учун” тамойилини четға суриб, асосий эътиборини шахс омилиға қаратади.

Жаҳон тилшунослигининг лингвопрагматика, лингвокультурология, психолингвистика, когнитив тилшунослик, этнолингвистика, дискурсив таҳлил каби йўналишларида фразеологизмлар шаклланиши ва идрокида шахс омили масаласи тадқиқот объектининг марказини ташкил қилади. Мазкур соҳаларнинг юзаға келиши фанда инсонни янада чуқурроқ ўрганиш ҳамда лисоний фаолиятини кенгроқ ёритиш ҳаракатлари билан боғлиқдир.

Айтиш жоизки, илмий парадигмага ”тил эгаси” категориясининг киритилиши тилшуносликда шахс, лисоний онг, тафаккур, фаолият, менталлик, маданият каби тушунчаларнинг янада фаоллашишини тақозо этади. Шахс омилининг тадқиқи тилшунослик фанининг психология, фалсафа, мантиқ, маданиятшунослик каби фанлар билан бир нуқтада кесишишға олиб келади.

”Тил эгаси” тушунчаси ҳозирги вақтда тилшуносликда асосан қуйидаги маъноларда ишлатилмоқда: а) муайян тилда нутқий фаолиятни амалга оширувчи, яъни нутқ тузиш ва уни идрок этиш қобилиятига эга бўлган шахс; б) тилдан мулоқат воситаси сифатида фойдаланувчи шахс, коммуникат; в) ўз миллатининг миллий-маданий, маънавий қадриятларини акс эттирувчи луғат таркибини эгаллаган, уни намоён этувчи шахс, муайян тил вакили.

Профессор Н.Маҳмудовнинг ”Тилнинг мукаммал тадқиқи йўллари” номли мақоласида лингвокультурология, умуман, антропоцентрик парадигманинг моҳияти ва бу борадаги муаммолар чуқур ва асосли ёритиб берилган. Тилшунос олим яна бир мақоласидашундай деб ёзади: ”Шу нарса аниқки, халқнинг тийнати ва табиатини, руҳиятини ва менталитетини тилдан айро ҳолда тасаввур қилиб ҳам, тадқиқ этиб ҳам бўлмайди. Тилдаги бирликларда, айниқса, образли сўз, образли ибора-ифодаларда халқнинг ментал ўзига хослиги у ёки бу тарзда инъикосини топади. Зотан, бундай образли ифодалар халқнинг образли нигоҳи, идроки ва тафаккури маҳсули ўлароқ дунёга келган”.

Ўзбек тилшунослигида ҳам бу йўналишларнинг ривожланиши барча нарсаларда инсоннинг лисоний фаолияти етакчи восита ҳисобланади. Тил эгасиз айрича ўрганилмайди. Тилнинг ҳарқандай бирлик ядросида инсон туради. Жумладан, фразеологизмлар ҳам ана шундай тил бирликларидан ҳисобланади. Чунки, фразеологизмларда халқ маъданияти, характери, руҳияти, халқнинг кўп қирралари, миллий ментал хусусиятлари намоён бўлади.

Фразеологик бирликлар миллат менталитети ва даҳосининг кўзгуси экан, уларни ҳар томонлама ўрганиш, хусусан, унинг миллий-маданий хусусиятларини антропоцентрик планда — когнитив, лингвокультурологик, этнолингвистик жиҳатлари билан муштаракликда тадқиқ этиш ғоят муҳим.

Миллий қадриятлар бу — миллат учун муҳим ва жиддий аҳамиятга эга бўлган моддий ва маънавий бойликлар йиғиндисидир. Миллий қадриятлар миллатнинг тарихи, яшаш тарзи, келажаги, авлоди, ижтимоий қатлами, миллий онги, тили,

маънавияти ҳамда маданияти билан узвий боғлиқ. Бизнинг миллий кадриятларимиз туғилган макон ва она юртга эҳтиром, авлодлар хотирасига садоқат, катталарга ҳурмат, муомалада мулозамат, ҳаё-андиша кабиларнинг устуворлиги билан характерланади. Фразеологизмларнинг халқ менталитети билан боғлиқлигини тадқиқ қилган лингвомаданиятшунослик принципларига асосланади. Лингвокултурологияга оид адабиётларда фразеологизмлар ҳам тилнинг лингвомаданий бойлиги сифатида эътироф этилади. Турли миллатларда менталитет ва маданий анъаналарига кўра, фраземалар мулоқат мақсади ва ҳолатига қараб турлича қўлланилади, тушунилади ва коммуникатив мақсадга йўналганлик ноанъанавий тарзда англашилади. Бундан ташқари, муайян мамлакат, географик ҳудудга қараб бир-биридан фарқланади. Фикрларимизнинг исботи ўлароқ ўзбек халқининг ўзига хослигини кўрсатувчи фраземалардан намуналар келтирамиз: Афросиёбдан қолган, елкаси чопон кўрмаган; тўйдан олдин ногора чалмоқ; лафзи ҳалол; қулоққа азон айтмоқ; белида белбоғи бор; ола хуржун елкасига тушмоқ; патир ушатмоқ; пайтавасига қурт тушмоқ; ризқини териб емоқ; супрадаги унга қарамай тандирга ўт қаламоқ; Қўқонда теккан дард; "пуф"деса, Бухорога учадиган; ҳамир учидан патир; бош омон бўлса дўппи топилар; оғзига толқон солмоқ; номуси букилди; бошига бахт қуши қўнди, ҳар ким ўз аравасини тортмоқ, атлас қўйлакка бўз ямоқ, алифни калтак деёлмаслик, зуваласи пишиқ, алмисокдан қолган, калавасини йўқотмоқ, тўрт тарафи қибла, анқонинг уруғи, дийдор кўришмоқ, кавушини тўғирлаб қўймоқ, кўзларининг пахтасини чиқармоқ, сабр косаси тўлмоқ, отдан тушса ҳам эгардан тушмаслик, отдан тушса ҳам узангидан тушмаслик, тўнини тескари кийиб олмоқ, имони комил, ихлосини қайтармоқ, ихлос қўймоқ, туя кўридингми йўқ, тоғни толқон қиладиган, қўлини бигиз қилмоқ, зиғир ёғдай кўнглига урмоқ, дўппи ол деса, калла олмоқ, соясига кўрпача солмоқ, миридан сиригача, онасини учқўрғондан кўрсатмоқ, думи хуржунда кабилар.

Мазкур фраземаларнинг барчасида ўзбек халқи ишлатадиган кийимлар, буюмлар, миллийликка хос мавҳум тушунчалар ўзбек

халқига хос жой номлари қатнашган ва бунда халқнинг ўзига хос фикрлаш тарзи, урф-одати, маданияти акс этган. Шунинг учун инсонларнинг тилидаги ранг-барангликлар халқ маданиятининг, кечинмаларининг турфа хиллигини кўрсатиб беради. Демак, фразеологизмларнинг марказида турувчи, яъни эталон сифатида олинган компонентлар ўзбек тилининг лингвокультурологик хусусиятларини кўрсатувчи лингвокультуремалардан бири саналади.

Юқоридаги мисоллар маълум бўлишича, бу мисолларда миллийликни ташийдиган сўзлар орқали ўзбек халқининг фразеологиясининг ўзига хос фраземаси ҳисобланса, қуйидаги фраземалар эса маълум бир сўз орқали эмас бутунлигича менталликни акс эттирадиган фразеология сифатида қаралади. Жумладан, кўзи қиймайди, бир ёқадан бош чиқармоқ, оғиз солмоқ, маслаҳатни бир ерга қўймоқ, бети чидамаслик, бир жону бир тан бўлмоқ, бети шувут бўлмоқ, бел олишмоқ, етти букланиб, йўл бўлсин, нон ушотмоқ, кўзи тириклигида, тил бормаслик, эп билмаслик, эп кўрмаслик, юзи ерга қаради, юлдузлари тўғри келмоқ, юраги ачишди, ўз ёғига ўзи қоврулмоқ, ўзини ўзи еб қўймоқ, ўтқазгани жой тополмаслик, қулинг ўргилсин, киндик қони тўкилган, елкаси ерга тегмаган, қулоғини тишлаб қўйган каби бир нечта фразеологизмларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Тил ўз соҳиби билан биргаликда ўрганилар экан, табиийки, унинг мақбул тавсифи ҳам мансуб миллат маданияти ва менталитети билан бирга олиб қаралгандагина берилади. Ана шу жиҳат, яъни тил ва миллий-маданий жиқслик лингвокультурологик тадқиқотларнинг марказида туради. Албатта, тилдаги ҳар қандай бирлик у ёки бу даражада миллий-маданий ўзига хосликларни намоён этади. Аммо шундай тил бирликлари борки, улар миллий-маданий инжаликларнинг бениҳоя бетакрор тимсолидир. Шу маънода фразеологизмлар миллий менталитети, маданияти, турмуш тарзи ҳамда узоқ йиллик кузатувларнинг қабарик ифодасидир.

Бинобарин, бу каби фразеологизмлар миллий-маданий белгиларни ўзида сақловчи ва уларнинг давомийлигини

таъминловчи, тилнинг яратувчанлик имкониятини кўрсатувчи лингвомаданий бирликлар сифатида халқларнинг маданиятини тушуниш ва чуқурроқ ўрганишга ёрдам беради. Хуллас, тил сўз қанчалик қадимий бўлса, фразеологизмлар ҳам шундай қадимий тарихга эга бўлган бирликлар саналади.

Хулоса қилиб айтганда, лингвокультурологик ёндашувларга кўра фразеологизмлар муайян халқнинг ўтмиш маданияти билан боғлиқ қадриятларини, миллий-ментал фикрлаш тарзини намоён этувчи, шунингдек, реал воқеликни лисон воситасида ифодалаш даражасини кўрсатувчи далил ҳамдир. Улар ўзида халқнинг ижтимоий, маънавий жиҳатдан ривожланишини ҳам кўрсатувчи лингвомаданий бирлик ҳисобланади. Уларни лингвокультурологик жиҳатдан кенг тадқиқ этиш эса ҳозирги кун тилшунослигида ўз ечимини кутаётган долзарб масалалардан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Abdusalilov, M. I. Linguistic-cultural aspect of the study of phraseological units.
2. Ismailov, G. M. (2016). Phraseological picture of the world in the Turkic languages. *ISJ Theoretical & Applied Science*, 11(43), 5-7.
3. Ismailov, G. Anthropocentrism in phraseological picture of world (on the example of Uzbek, Kazakh and Karakalpak languages). *中国湖州* 2022 № 4 (13), 137.
4. Исмаилов, Г. М. (2017). Лингвокультурологическое исследование гендерного стереотипа в тюркской фразеологии (на материале узбекского, казахского и каракалпакского языков). *Полилингвистичность и транскультурные практики*, 14(1), 85-92.
5. Mirzayevich, I. G. Phraseologisms as a Representation of Culture, History, Folklore: Central Asian Languages (on Material of Uzbek, Kazakh and Karakalpak Languages).
6. Xujaev, M. (2020). Mahmudkhujja Behbudiy as a leader of jadid reforms. *The Light of Islam*, 3, 39-47.